



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 16 март, № 52 (5219)

Чоршанба

## БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ

**Мамлакатимизда иқтисодийнинг асосий тармоқларидан бири — қуриш саноати жадал суръатларда ривожланмоқда. Бунга биргина 2010 йилда қуриш ишлари ҳажми 8,1 фоизга ўсиб, жумладан, қишлоқ жойларда 6 минг 800 та замонавий тураржой барпо этилгани яққол мисол бўла олади.**

### Халқаро кўргазма

Дарҳақиқат, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари туфайли шаҳару қишлоқларимиз кун сайин чирой очиб, тобора кўркам қиёфа касб этаётди. Қуриш ишларида, асосан, ўзимизда ишлаб чиқарилган хом ашё ва маҳсулотлардан фойдаланилаётгани, айниқса, қувонарликдир. Бу Президентимиз раҳнамолигида соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор, қуриш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида изчил олиб борилаётган ислохотлар самарасидир.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, муваффақиятлар йилдан-йилга мустақамланаверади. Сабаби, яқин беш йил мобайнида қуриш материаллари саноатини ривожлантиришга 436 млн. АҚШ долларида ортқ маблағ йўналтириш режалаштирилган. Унинг 247,3 млн. АҚШ доллари ишлаб чиқаришни технологик қайта жиҳозлаш ва модернизацциялашга, 189,5 млн. АҚШ доллари эса янги объектлар барпо этиш,

(Давоми 2-бетда).



**Айни кунларда вилоятларда Президент соврини учун ташкил этилаётган «Ташаббус — 2011» кўрик-танлови, чин маънода, изланувчанлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик майдонига айланиб бормоқда. Мазкур танловда ишбилармонлар томонидан намойиш этилаётган маҳсулотлар ўзининг сифати, ички ва ташқи бозор талабларига тўлиқ жавоб бериши билан юқори баҳога сазовор бўлаётгани бунинг ёрқин далилидир.**

## ИЗЛАНИШ ВА ФАОЛЛИК САМАРАСИ

**ЖИЗЗАХ.** Кўрик-танловнинг вилоят босқичида тадбиркорлик, фермерлик ва хунармандлик соҳасида янги номларнинг кашф этилгани мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётганининг яна бир исботи бўлди, десак, асло муболага эмас. Негаки, унда шаҳар ва туманлар миқёсида голиб бўлган ишбилармонлар ўзларининг имкониятларини ҳар томонлама намойиш этиб, иштирокчиларда катта таассурот қолдирдилар.

Танлов якунига кўра, Жиззах шаҳридаги «Кўхинур» хусусий корхонаси раҳбари Холисхон Бобоева «Энг яхши тадбиркор», Дўстлик туманидаги «Уста Сафар ота» фермер хўжалиги раҳбари Дўсмама Қодирқуллов «Энг яхши фермер», Жиззах шаҳрилик Мамлакат Эрматов «Энг яхши хунарманд» йўналиши бўйича голиб бўлдилар.

**У. АДИЛОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**НАМАНГАН** шаҳридаги «Ёшлар маркази»-да ўтказилган «Ташаббус — 2011» кўрик-танловининг вилоят босқичида 36 нафар тадбиркор, фермер ҳамда хунарманд ўз маҳсулотларини намойиш қилдилар.

Тадбирда Наманган туманидаги «Замин Туркистон» масъулияти чекланган жамияти

раҳбари Бахтиёр Умаров «Энг яхши тадбиркор», Учкурган туманидаги «Жўрабой хожи РСИ» фермер хўжалиги бошлиги Раҳбархон Жўраева «Энг яхши хунарманд ўз маҳсулотларини намойиш қилди», «Энг яхши хунарманд» дея эътироф этилди.

**Қ. НАЖМИДИНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**СУРХОНДАРЁ** вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тобора ривожланиб бораётгани «Ташаббус — 2011» кўрик-танлови вилоят босқичи доирасида яққол кўзга ташланди. Чунки мазкур тадбирда беллашган 40 нафардан ортқ тадбиркор, фермер ва хунармандларнинг барчаси бугунги замон талаблари даражасида фаолият юритмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эса нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорғир бўлиб бораётди.

Кўрик-танлов якунида «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича Бойсун туманидаги «Умид» кичик корхонаси раҳбари Незмат Абдуллаев биринчилиги эгалаган бўлса, Саросиё туманидаги «Боги бўстон» фермер хўжалиги раҳбари Носирхон Тўрақуллов «Энг яхши фермер», Денов туманилик Исомиддин Алимов эса «Энг яхши хунарманд» номинациясида голибликни кўлга киритдилар.

**О. УСАНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**САМАРҚАНД.** Шаҳардаги «Ёшлар маркази»да бўлиб ўтган «Ташаббус — 2011» кўрик-танловининг вилоят босқичида ишлаб чиқариш ҳажми бўйича юқори кўрсаткичга эга, ўз хулуида тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб хисса қўшаётган эллика яқин тадбиркор, фермер ва хунармандлар иштирок этидилар. Тадбир доирасида улар томонидан маҳаллий хом ашёдан тайёрланган 300 турдан зиёд маҳсулот ҳамда мингдан ортқ миллий хунармандчилик намуналари ҳавола этилди.

**А. САТТОРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

**Ўзбекистонда парламент ислохотларининг босқичма-босқич амалга оширилиши, икки палатали Олий Мажлисининг шаклланиши ва фаолият олиб бориши парламентнинг назорат функциялари олдига янги вазифаларни юкляди. Бинобарин, қонунларга риоя қилиш ва уларни ижро этиш, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларини ҳаёт талаблари билан мунтазам уйғунлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилаётган парламент назорати институти муҳим аҳамият касб этади.**

Чунинчи, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёни, аниқроғи, уларнинг самардорлиги, кўп жиҳатдан, қонунларнинг адолатли, халқчил бўлишини, фуқароларнинг хоҳиш-иродасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиб, қабул қилинишини ҳамда ушбу қонунларнинг амалда ижросини тўлиқ таъминлашни тақозо этади.

Парламент назоратининг аҳамияти шундаки, у биринчидан, қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши даражасини ўрганиш; иккинчидан, қонунларнинг амалиётда қўлланилишига салбий таъсир этувчи объектив ва

субъектив омилларни аниқлаш; учинчидан, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш; тўртинчидан, тахлил натижаларига асосан қўшимча ва ўзгартишлар киритиш; бешинчидан, давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг қонун ҳужжатлари қоида-талабларига сўзсиз амал қилиш масъулияти ва мажбуриятини оширишга хизмат қилади.

Конституциямизнинг 86, 87-моддаларида Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раисининг Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ижросини назорат қилиш ваколати белгилаб берилган. Хусусан, Конституциянинг 87-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўмитала-

ри қарорлари ижроси устидан парламент назорати, молиявий парламент назорати, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш соҳасида парламент назорати, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган муҳим сиёсий қарорлар ижросига оид парламент назорати қабуллари иборат эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Парламент назоратининг объекти сифатида, ижро этувчи органлари устидан амалга оширилаётган парламент назорати аксарият ҳолларда сиёсий мазмун касб этади (яъни сиёсий мазмундаги парламент назоратининг оқибати ҳуқуқнинг ёки Бош вазирнинг истеъфога чиқиши билан тугаши мумкин). Шу боис парламент назорати икки турда, яъни: сиёсий (масалан, ҳукуматга ёки Бош вазирга ишонсизлик во-

туми билдириш) ва юридик (парламент томонидан тергов ўтказиш комиссиясини тузиш) йўналишида бўлиши мумкин.

Дунёдаги ривожланган давлатлар, хусусан, Буюк Британия, Франция, Германия, АҚШ, Италия, Япония, Канада, Корея Республикаси, Австралия ва қатор бошқа давлатлар парламентлари тажрибаси асосида тахлил юритиладиган бўлса, ҳозирги кунда ижро этувчи ҳокимият ва унинг органлари устидан амалга оширилаётган парламент назорати, асосан, қўйидаги шаклларда намойиш бўлади: парламент сўрови, парламент тинглови, депутат сўрови, парламент тергов, парламент санкцияси — бюджет маблағларини ажратишга ҳавф, ишонсизлик вотуми, вазирларга сўровномалар юбориш, молиялаштириш устидан назорат, аризалар бериш (петиция).

Парламент назоратининг объекти сифатида, ижро этувчи органлари устидан амалга оширилаётган парламент назорати аксарият ҳолларда сиёсий мазмун касб этади (яъни сиёсий мазмундаги парламент назоратининг оқибати ҳуқуқнинг ёки Бош вазирнинг истеъфога чиқиши билан тугаши мумкин). Шу боис парламент назорати икки турда, яъни: сиёсий (масалан, ҳукуматга ёки Бош вазирга ишонсизлик во-

туми билдириш) ва юридик (парламент томонидан тергов ўтказиш комиссиясини тузиш) йўналишида бўлиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасида мамлакатимизга ташир буюрган Жанубий Корея фонд биржаси (KRX) вице-президенти Хванг Жунго раҳбарлигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

## Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раиси вазифини бажарувчи А. Абдуқимов Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Жанубий Корея билан иқтисодий, иجتимоий, гуманитар ва бошқа соҳаларда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Биржа иши соҳасида «Тошкент» республика фонд биржаси Корея фонд биржаси билан яқин амалий алоқаларни ўрнатиш, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустақамлашга салмоқли хисса қўшмоқда.

Иқтисодий тараққиёт этиришида қимматли қозғолар бозорининг муваффақиятли иш юритишини таъминлаш катта аҳамиятга эга. Бунда соҳада фаолият кўрсатувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутаяди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Корея фонд биржаси ўртасида 2010 йилнинг 28 декабрида имзоланган Қимматли қозғолар бозорини ривожлантириш тўғрисидаги англашув меморандуми ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ушбу ҳужжат икки давлат фонд биржалари ўртасидаги ҳамкорлик йўналишларини кенгайтириш, хусусан, Ўзбекистонда онлайн усулида янги фонд биржа инфратузилмасини яратиш учун замонавий ахборот технологияларини жалб этиш,

(Давоми 2-бетда).

**Навоий шаҳрида вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида маҳаллий тадбиркорларнинг бизнес форуми ўтказилди. «Ўзбек Лизинг Интернейшнл» ғоялар ҳақиқатга айланади» шiori остида бўлиб ўтган ушбу анжуманда тадбиркорлар, хунармандлар, фермерлар ҳамда бир қатор хорижий компаниялар вакиллари қатнашди.**

## ЛИЗИНГ ХИЗМАТИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Таъкидлаш керакки, вилоятда тадбиркорларни замонавий технологик жиҳозлар билан таъминлашда лизинг хизматларидан самарали фойдаланилмоқда. Хусусан, «Ўзбек Лизинг Интернейшнл» компанияси

«Вангози агроэкспорт» масъулияти чекланган жамиятига ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун янги ускуналарни сотиб олишда яқиндан кўмаклашди. Навоий шаҳридаги «Наргиза-К» хусусий корхонаси эса полиэтилен қувурлар иш-

**Анжуман**

лаб чиқариш ускунасини лизинг асосида харид қилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Анжуманда кўрсатилаётган лизинг хизматлари кўламини янада кенгайтириш борасидаги таклиф-мулоҳазалар атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбирда Навоий вилояти ҳокими Э. Турдимов иштирок этди.

**Х. ЭШОНҚУЛОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## «Баркамол авлод — 2011»: ТАРАДДУД ВА МАСЪУЛИЯТ

**Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Ушбу эзгу мақсадни амалга оширишда Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган уч босқичли ноёб тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинларининг алоҳида ўрни бор.**

Йилдан-йилга нуфузи ошиб бораётган мазкур мусобақаларга тайёргарлик жараёнида жойларда бири-бирдан кўркам спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари, маданий-маиший иншоотлар барпо этилиб, худудлар инфратузилмаси янада такомиллаштирилмоқда.

Юртбошимиз ўз чиқишларидан бирида уч босқичли тизим ҳақида шундай фикр

билдирган эдилар: «Мен бундай спорт байрамларида иштирок этаётган ёшларни кўрсам, чин дилдан қувониб кетаман. Чеҳраси очик, эртанги кунга интилиб яшаётган мана шундай соғлом болаларимиз халқаро мусобақаларда голиб чиқиб, Ўзбекистоннинг байроғини баланд кўтарса, худдики, уларнинг ёнида туриб шу

байроқни кўтаргандек ифтихорга тўламин. Мана шунинг учун айтмоқчиман: спорт — бу эртанги кунга бўлган ишончимиз, бизларнинг ортимиздан келаётган авлодни соғлом ва бақувват қилиб тарбиялайдиган ҳаётимизнинг муҳим бир соҳаси, кундалик турмушимизнинг узвий бир

**Жараён**

айниқса, ёшларимизнинг бу эзгу даъват мазмун-моҳиятини теран англаб етгани янгидан-янги марралар сари дадил қадам ташлашимизда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларининг финал босқичига бу гал Сурхондарё вилояти мезбонлик қилади. Бугун воҳода ана шу муҳим тадбир — ёшлик ва гўзаллик байрамини муносиб ўтказиш учун астойдил тайёргарлик қўрилмоқда. Хусусан, ўтган даврда Термиш шаҳрида бир қатор янги болалар спорт мажмуалари қурилди, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, 10 минг томошабинга мўлжалланган футбол-енгил атлетика майдонига эга универсал спорт залини барпо этиш ишлари ниятга етмай, деб топилди.

**Жараён**

(Давоми 4-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятини ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, авваломбор, давлат ҳокимияти ва

туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга доир қатор қонунчилик ташаббуслари ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу борада давлатимиз раҳбари

ишонсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон

давлатлар қонунчилигида мустақамлаб қўйилган. Мамлакатимизда ишонсизлик вотуми институтининг жорий этилиши билан парламентимиз томонидан ҳукумат фаолиятини назорат қилишнинг таъсирчан воситасига эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳукуматнинг масъулиятини ошириш баробарида унинг фаолиятида очиқлик ва ошқоралиқни таъминлаш ҳамда қонунийликни янада мустақамлашга хизмат қилади.

Юқоридагилар билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Конституциямизнинг 78-моддасида белгилаб қўйилган биргаликдаги ваколатлари қаторига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари асосидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш масаласининг киритилиши ҳам бу борадаги муҳим қадам бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Концепцияда сиёсий тизимни модернизация қилишда амалга оширилиши лозим бўладиган чора-тадбирларнинг қонунчиликка киритилиши ижроия ҳокимияти органлари фаолияти устидан амалга ошириладиган парламент назорати институтини янада такомиллаштиришга, бу соҳадаги мавжуд механизмнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тўлқин АБДУСАТАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутати.

# ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

бошқарувини демократлаштириш, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаёта исчи татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш масалаларига қаратилди.

Шу билан бирга, Президентимиз Исом Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаларида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берар эканлар, уларнинг қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан амалга ошириладиган парламентнинг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларини кучайтириш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб

томонидан қилинган ташаббуслардан бири ҳукуматга нисбатан ишонсизлик вотуми институтининг жорий этилишидир.

Конституциямизнинг 98-моддасига бу борада киритилаётган қонунчиликнинг маъноси шундаки, эндиликда агарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бири қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган тақлиф буйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамага Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади. Бош вазирга нисбатан

Республикаси Бош вазири лавозимидан озод этиш буйича қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфода чиқади. Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига қўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун тақлиф этилади.

Бутун ҳукуматга ёки Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотумини билдириш институти ривожланган хорижий давлатларда, хусусан, Буюк Британия, Германия, Италия, Испания, Франция каби

(Давоми. Боши 1-бетда).

онлайн усулидаги IPO (акцияларнинг бирламчи оммавий жойлаштирилиши) ёрдамида ишбилармонлар учун янги ҳамкорлар топишни янада энгиллаштириш ва бошқа имкониятларни ўз ичига олган.

## ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

KRX қимматли қозғалар билан муомала қилиш кўлами борасида дунёдаги энг пешқадам ташкилотлардан, савдо айланмаси бўйича энг йирик ўнта фонд биржасидан бири ҳисобланади. У Осиёдаги кўплаб ҳамкорлари билан фаол ишламоқда, тажриба алмашмоқда, ривожланётган давлатлар фонд биржаларида янги технологияларни татбиқ этишда кўмаклашмоқда. KRX томонидан қимматли қозғалар савдоси соҳасида яратилган ахборот технологияси — глобал борзорида энг рақобатбардор технологиялардан бири бўлиб, Осиё китъаси биржаларида самарали қўлланилмоқда.

Ўзбекистон билан алоқаларимиз ривожланиб бораётганидан мамнунми, — деди Хванг Жунго. — Ташрифдан мақсадимиз икки давлат фонд биржалари ўртасидаги ўзаро алоқаларни кенгайтириш ва тажриба алмаштириш иборат. Келгусида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали ҳамкорликни янада мустақамлаш ниятидамиз.

Учрашувда меҳмонлар юртимиз фонд борзори ташкилотлари — депозитарий, фонд биржаси ва бошқа институтларнинг савдо, ҳисоб-китоб ва тўловни тартибга солиш фаолияти ҳамда норматив-ҳуқуқий базаси, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва жорий этилаётган янгиликлар, ривожланиш босқичлари билан яқиндан танишдилар. Томонлар қимматли қозғалар борозини ривожлантириш борасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ноҳира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири.

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ

яратиб берилаётган имтиёزلардан оқилона фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига устувор вазифа сифатида эътибор қаратган давлат глобал майдонда мустақам ўринга эга бўлиши, шубҳасиз. Бу йиллар давомида ўз исботини топиб келаётган ҳаётий ҳақиқатдир.

Бинобарин, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ушбу соҳа тараққиёти учун имкониятлар эшиги кенг очиб берилмоқда. Бунинг учун мустақам ҳуқуқий пойдевор яратилгани кутилган самараларни кўлга киритишда айни муддао бўлаётти. Шу асосда ички бозорни рақобатбардор ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирди, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратиш чора-тадбирлари исчи давом эттириляётти.

Маълумки, мамлакат иқтисодиёти салоҳиятини янада юксалтиришда қулай бизнес муҳитини яратиш, соҳа вакилларини моддий-маънавий қўллаб-қувват-

лаш, ҳуқуқий манфаатларини қонуний ҳимоялаш, уларга преференциялар бериш алоҳида аҳамиятга эга. Булар, ўз ўрнида, Ўзбекистон божхона хизмати зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида ташкил этилган “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришда божхона органларининг тугган ўрни” мавзусида семинарда сўзга чиққанлар бу борада қатор ишлар амалга ошириляётган

ни таъкидлаб ўтдилар. Унда божхона имтиёзлари, кичик бизнес субъектларининг экспортдаги иштирокини рағбатлантириш, тизимга жорий этилаётган ахборот технологиялари, шунингдек, ички бозорни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, товарлар контрабандаси, айниқса, озиқ-овқат ва

Тадбир қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чегарадан ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш борасида кенг миқёсли фаолият юритилаётгани хусусида маълумотлар берилди.

Масалан, ўтган йил давомида божхона органлари томонидан контрабанда ва божхона қонунчилигининг бузилишига оид 38 миңдан ортиқ ҳолатлар аниқланди. Уларнинг бартараф этилиши натижасида 65,2 млрд.

сўмлик ноқонуний олиб ўтилган товар-моддий бойликлар мусодара қилинди. Шундан келиб чиқиб, 937 та жиноий иш қўзғатилган бўлса, қарийб 37 миңга ҳолат бўйича маъмурий чоралар қўрилди.

— Соҳага замонавий технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди Давлат божхона қўмитаси бошқарма бошлиғи А. Саидов. — Бу эса божхона назорати ва ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнларини соддалаштириш, шу орқали вақтни тежаш имконини бермоқда.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари вакиллари ва тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Сайдон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Сифатли полиэтилен қувурлар

Янгиер шахридаги “YangiYerplast” масъулияти чекланган жамиятида полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун банкнинг 100 миллион сўмлик кредитидан фойдаланилди. Мухтор Худойбердиев раҳбарлик қилаётган мазкур корхонада ўтган қисқа муддатда 160 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди, савдо шохобчаларига етказиб берилди.

Таъкидлаш керакки, Янгиер шахридаги кичик бизнес субъектлари томонидан ўтган йил давомида 14 миллиард сўмликка яқин sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бўз туманидаги “Ферузбек Файз нури Анд” хусусий корхонасида кенг қўламли модернизация тадбирлари амалга оширилгач, бу ерда тайёрланаётган non ва non маҳсулотлари тури бештага етди.

## Эл дастурхонига тўхфа

Хорижнинг илғор технологиялари билан жиҳозланган мазкур корхонада кунига бир тоннагача ун қайта ишланмоқда. Корхона жамоаси ўтган қисқа муддатда аҳоли дастурхонига 65 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди.

Туманда хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ҳисобига ўтган йили 1104 та иш ўрни яратилди.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

шунингдек, цемент заводларида истиқболли лойиҳаларни рўйбга чиқаришга сарфланади. Буларнинг бари республикамиз аҳолиси ва қурилиш ташкилотларининг бундай материалларга бўлган эҳтиёжини узлуксиз таъминлаш имконини беради, албатта. Кеча пойтахтимиздаги “Узэкс-

марказ” мажмуи павильонларида иш бошлаган “UzBuild — 2011” XII Ўзбекистон халқаро кўргазмаси фаолияти билан яқиндан танишган киши бунга ишонч ҳосил қилади. Гап шундаки, мамлакатимиз қурилиш салоҳияти ютуқларининг чинакам намойишига айланган мазкур нубузли тадбир нафақат соҳага инновацион ва илғор технологик ечимларни олиб

кириши, балки келгуси мавсумнинг қандай кечиси ҳақида олинган таваққулий оғлиши билан ҳам аҳамиятлидир. Шу боис унга бўлган қизиқиш ортиб, тадбирда қатнашувчи давлатлар ва компаниялар сони йил сайин кўпайиб бораётти. Масалан, бу йил кўргазма ишида жаҳоннинг Австрия, Беларусъ, Бельгия, Германия, Дания, Испания,

Италия, Кувайт, Польша, Украина, Франция, Швеция, Япония сингари 16 мамлакатдан 130 та компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан қатнашмоқда. Шу маънода, у маҳаллий ва хорижлик ишлаб чиқарувчилар ўзаро тажриба алмаштириш, ҳамкорлик ришталарини боғлаши учун қиёси йўқ кўприк вазифасини ўтаётти.

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирилик, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, “Ўзуқурилишматериаллари” ҳамда вентиляция, электр асбоблари, интерьер ва дизайн, сопол ҳамда пардозлаш тошлари, ландшафт ва кўкчамзорлаштириш, деэраза ва витражлар каби кўплаб бўлимлар ишлаб турибди. Уларда йирик техникалардан тортиб, ноъанавий маҳсулотлар дейсизми ёки тезкор қурилиш ашёларими — барчасини топасиз.

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг ўтган йили 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг қонуний манфаатларини ишончли таъминлаш демократик янгиланишларнинг устувор йўналишларидан бири эканлигини алоҳида қайд этган эди. Президентимиз қабул қилинган қонунларнинг давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилиши устидан парламент назоратини кучайтириш муҳимлигини мунтазам таъкидлайдилар.

Бу вазифани рўйбга чиқариш Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтига ҳам тааллуқлидир. Омбудсман фаолияти фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўриб қилиш, қўриб чиқиш ва таҳлил этиш орқали таъминлашга, шунингдек, соҳадаги вазиятни ўрганиб боришга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида таҳлил қилиб бориш парламент Омбудсманнинг асосий вазифаларидан бири саналади. Шундан келиб чиқиб, ҳисобот даврида парламент қўйи палатаси қўмиталари ҳамда ҳукумат томонидан тайёрланган қатор қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказди. Ушбу ҳужжатлардан 26 тасини янада маромига етказиб бўйича аниқ тақлиф ва тавсиялар берилди.

Маълумки, Омбудсман 2008 йилдан амнистия актини қўллашда жамоатчилик назоратини исчи амалга оширяётти. Бу борада унинг минтақавий вакиллари сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларидан иборат ишчи гуруҳи таркибига судларга тақдим этилган амнистия тўғрисидаги акти қўллашга доир материалларни ўрганиб чиқишда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, улар жиноий жазони ўташ масканларига маҳбуслар билан суҳбат ўтказмоқдалар, шунингдек, озод қилинганлар билан олиб бориляётган ишларнинг мунтазам мониторингини йўлга қўйилган.

Омбудсман сўнгги уч йил давомида “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси Президентимизнинг “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси устидан парламент назоратини олиб боришда бевосита иштирок этмоқда. Ушбу мақсадда Омбудсман ва унинг минтақавий вакиллари Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг худудий тузилмалари фаолиятида катнашмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш ҳолатини ўрганишга йўналтирилган мониторинг тадбирлари олиб бориш Омбудсман фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланган.

Маълумки, мамлакатимизда фуқароларнинг таълим, шу жумладан, ўрта махсус, касбухона таълимини олишга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлашга доир мустақам меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилган. Бу соҳадаги қонунчилик талаблари сўзсиз бажарилишини таъминлаш масалаларининг муҳимлигини инобатга олиб, Омбудсман томонидан Сирдарё вило-

ятидаги 5 та таълим муассасасида мониторинг тадбирлари олиб борилиди, соҳадаги вазият ўрганилди. Натижада бу соҳада ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Омбудсман фаолиятида фуқароларнинг шикоят ҳамда мурожаатларини қўриб чиқиш, уларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш муҳим аҳамиятга эга. Анқироғи, бу фуқаролар мурожаатлари ва уларда кўтарилган масалаларни ҳал этишда давлат органлари, жойлардаги тузилмалар томонидан йўл қўйилаётган камчиликларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек, уларни самарали ечишда айни муддао бўлмоқда.

## Сарҳисоб

Ўрганишлар шунини кўрсатаптики, мурожаатларнинг асосий қисми — уч миңдан ортиғи фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқдир. Айни пайтда уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди.

Фуқаролар мурожаатларига тезкорлик ҳамда масъулият билан ёндашиляётгани мамлакатимизда амалга ошириляётган демократик ўзгаришлар жараёнидаги муҳим вазифаларни рўйбга чиқаришда қўл келмоқда. Бу ҳокимият органлари, жумладан, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш, ушбу тузилмалар айрим ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, хизмат вазифасини белгиланган тартибда бажармаслик, мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш каби ҳолатларни самарали бартараф этишда аққол кўзга ташланмоқда.

Ўтган йили Омбудсман томонидан жазони ўташ жойларида бўлган шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг 38 таси назоратга олинди, 5 та ҳолатда маҳбуслар ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. Шу билан бир қаторда, уй-жой-коммунал хизмати масалалари, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳамда тадбиркорлар манфаатларини таъминлаш ҳам бугунги кунда долзарб бўлиб турибди.

Бу борада мурожаатларнинг аксарияти Тошкент шаҳри, Сурхондарё, Андижон, Самарқанд, Тошкент вилоятларидан келиб тушмоқда. Уларнинг таҳлили фуқаролар мурожаатларига диққат-эътиборни кучайтириш, ҳам аҳолининг, ҳам фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида қўриб чиқишга масъул бўлган давлат идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Инсон ҳуқуқларига доир қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш ҳамда фуқаролар мурожаатла-

рини ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Парламент Омбудсман фаолиятида фуқароларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича маданиятини ошириш муҳим ўрин эгаллайди. Бунда, айниқса, давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, суд, ҳуқуқ-тартибот идоралари мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий билимини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш билан шуғулланидиган халқаро, минтақавий ҳамда миллий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича ҳам исчи ишлар олиб бормоқда. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро анжуманларга уштартириш, уларда фаол қатнашмоқда.

Чунонки, 2010 йилда БМТ, ЕХТНинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори, Европа Иттифоқи Комиссияси ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга эришилди.

Мисол учун, 2010 йил сентябрда Тошкентда “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда Омбудсман институтининг ролги” мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Унда Омбудсман институтининг Швеция, Венгрия, Польша, Болгария, Латвия, Украина, Франция, шунингдек, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари вакиллари, ЕХТНинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, К. Аденауэр жағмармаси вакиллари, мамлакатимиз парламент аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари масъул ходимлари иштирок этди.

Конференция Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 15 йиллигига тўғри келди. Анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш бўйича улкан ишлар амалга оширилганини алоҳида эътироф этишди.

Юртбошимизнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, оқиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига қўйрилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозongan жамият барпо этиш асосий мақсадини эканлиги Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар, ўз навбатида, парламент Омбудсманига мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда таъминлаш бўйича давлат сиёсатини олиб боришда катта масъулият юклайди.

Сайёра РАШИДОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили.

ларни очиб берди. Айтайлик, илгари ички эҳтиёжнинг асосий қисми импорт ҳисобига таъминланган бўлса, эндиликда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардор маҳсулотлари билан пешқадамликни кўлга олишган. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши салмоқли эканлиги, айниқса, эътиборга молик. Улар томонидан тақлиф этилаётган турли мебеллар кўргазмага ташриф буюрган Буюк Британия, Германия, Греция, Испания, Италия, Литва, Польша каби давлатлар мебелсозларнинг маҳсулотлари билан рақобатлашга олаётгани бунинг исботидир.

Иккала йирик тадбирнинг бир пайтда ўтказилиши хар томонлама фойдали бўлиб, бу ишлаб чиқарувчилар учун тармоқларо кооперациянинг ривожланишига хизмат қилса, иштирокчиларга хонадон ва офис жиҳозлари учун ўзаро келишувларга эришиш, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш имконини беради. Шу боис кўргазмалар кундалиги ишчан кайфиятда ва самарали кечини, келишувларга бой бўлиши кутулмоқда.

Халқаро тадбирлар 18 мартга қадар фаолият кўрсатади. Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар. Ҳасан ПАЙДОВ олган суратлар.



«Олмални»

ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»

ОЧИҚ АКЦИОНДОРЛИК ЖАМИАТИ

«2011-2012»

«2011-2012» йилларидаги ишлари ва қўшмиш ҳисобидан

«2011-2012» йилларидаги ишлари ва қўшмиш ҳисобидан

«2011-2012» йилларидаги ишлари ва қўшмиш ҳисобидан

# НАВРУЗИ БААМ

«2011-2012» йилларидаги ишлари ва қўшмиш ҳисобидан

«2011-2012» йилларидаги ишлари ва қўшмиш ҳисобидан

«2011-2012» йилларидаги ишлари ва қўшмиш ҳисобидан

«2011-2012» йилларидаги ишлари ва қўшмиш ҳисобидан

«2011-2012» йилларидаги ишлари ва қўшмиш ҳисобидан

«2011-2012» йилларидаги ишлари ва қўшмиш ҳисобидан

«2011-2012» йилларидаги ишлари ва қўшмиш ҳисобидан

«2011-2012» йилларидаги ишлари ва қўшмиш ҳисобидан



Хусусий ёшиқ акциядорлик-тижорат банки

## «HI-TECH BANK»

ЖАМООСИ

«2011-2012» йилларидаги ишлари ва қўшмиш ҳисобидан

# Наврӯз баам

«2011-2012» йилларидаги ишлари ва қўшмиш ҳисобидан

«2011-2012» йилларидаги ишлари ва қўшмиш ҳисобидан

«2011-2012» йилларидаги ишлари ва қўшмиш ҳисобидан

«HI-TECH BANK» — фароқиётимизни йўлада ҳаммамиз тасманида.



